

НАМАНГАН ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг
катта илмий ходими: Зулфия Комилова*

Тарихий тараққиёт жараёнида вужудга келадиган,аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган,кишиларнинг маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган тарихий анъаналарнинг халқ оғзаки ижодининг пайдо бўлишидаги таъсири каттадир. Тарихий анъаналар ҳаётнинг турли жиҳатларини ўзида акс эттириб, кўпроқ урф-одатлар ва маросимларда номоён бўлади. Бундайин турли қадимий анъаналар миллат ва элат ижтимоий ҳаётида тарихий ворислик асосида ҳар бир даврда сайқалланиб, кейинги авлодларга узатиб келинмоқда. Тарихий анъаналаримиз турли-туман бўлиб, уларда турли даврларда турлича бўлган хусусиятлар мажассамлашган. Лекин тарихий анъаналар қайси бир даврда яратилганинидан қатий назар, маданий ва маънавий-ахлоқий хусусиятларни ўзида жаму – жам этганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек у миллатларни ёки халқни бирлаштириш, авлодларни ўзоро боғлаш, жамиятда умумий бирлик ва ҳамжиҳатлиликни таъминлаш воситасидан бири ҳиссобланади. Шунингдек тарихий анъаналарда ахлоқий ва маданий қирраларнинг бетакрорлиги, муайян халқ, миллат ёки элат ҳаётининг ўзига ҳослиги мавжуддир. Қадимий тарихга, бекиёс қадриятлар ва маданиятга эга бўлган халқимиз азал-азалдан ота-боболамизнинг ҳар бир соҳадаги давомчичиси бўлиб келмоқда. Маълумки, охирги йилларда мамлакатимизни, жумҳуриятимиз ва ҳатто жаҳон миқиёсида рўй берган ва рўй бераётган турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар, айниқса Ўзбекистон мустақиллигининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида” ги мустақиллик кунларини ilk кунларидан токи бугунги кунгача ўзбек тили ва адабиётга муносабатини, ўзбек тили ва адабиётини мавқенини тубдан ўзгартирди. Шу ижтимоий сиёсий ва кўп тарихий воқеалар асосида бир неча лойиҳаларни жорий этилиб келинди. Жумладан Наманганни халқ ижоди наъмуналарини адабиёт дастури бўйича ўрганиладиган ҳалқимиз эртаклари ва қўшиқлари ҳамда халқ достонларига боғлаб ўрганиб бори-лади. Бу борада мактаб дарслекларида алоҳида эътибор бериб манбаалар эътиборга олинади. Жумладан ҳалқ достонлари шулар жумласидан ҳиссобланади. Достон-бу шарқ адабиётига мансуб, лирик-эпик характердаги катта ҳажмдаги поэтик асар ҳиссобланади. Достонларда ҳалқлар ҳаётининг маълум тарихий тараққиёт даври учун характерли, муҳим бир мавзуларни кўтарилиб эртакнамо сюжет, афсона ва ривоятларни шоирлар, баҳшилари томонидан яна қайта ишланади. Достонларнинг мазмуни назм ва наср билан ифодаланади. Тарихий манбааларга кўра ўзбек достончилиги дастлаб мавжуд қўшиқлардан ҳалқимиз яратган ибтидоий давр қўшиқ ва термаларида қаҳрамонлик эпоси дастлабки

куртаклари кўрина бошлаган. Ўрхўн дарёлари ёқасидан топилган топилган қабристонлардаги тарихий ёзувлар ва ўрта асрнинг буюк олимидан Маҳмуд Кошгарийнинг “Девони луғат”асарида келтирилган адабий парчалар юқоридагиларни тасдиқлайди.Ўрта Осиёлик ўғиз,қипчоқ,яғмо ва сұғднинг қабилаларини босқинчиларига қарши ватанпарварлик курашлари,шунингдек қабилалараро жанглар,душманни қочиши,ғалабадан сўнги зафарлар қўшиғи куйланиши каби воқеалар эпик тарзда берилган.Кейинчалик халқларнинг босқинчиларга қарши курашини ифодалаган “Алпомиш” ва “Гўрўғли”каби типидаги йирик қаҳрамонлик достонлари вужудга кела бошлайди.Ўрта таъ-лим мактабларнинг адабиёт дастурларида “Алпомиш” ва “Равшан”сигари достонларини киритилиши достончиликнинг давомчилари етишиб чиқишига туртки бўлди.Масалан 5-синф адабиёт дастурига “Уч оғайни ботирлар”, ”Маликаи Ҳуснабод”каби эртаклар киритилганлиги борча ўқувчиларда эртаклардаги яхшилик ва ёвузликни фарқини,шу билан бирга халқлар оғзаки айтишувларини келиб чиқишини ўргатиб боради.Яна “Алпомиш”миллий халқ достонини ўқув қўлланмаларида ўтилиши,ўқувчи ёшларда мардликлар ва ватанпарварликка чорловчи омилларни уйғотади.Халқ достончиларининг бадиий маҳорат ва санъаткорлигини намоиш этиш учун халқ достонларининг куйланиши ва ижросини ўқувчиларга кўрсатиш ҳам муҳимдир.Бунда маҳаллий достончиларидан кенг фойдаланиш мақсадга муофиқдир.Бундан ташқари видеомагнитафон каби техник воситалардан ва Ўзбекистон телевиденияси орқали бериб бориладиган “Ҳалқ оғзаки ижоди” лойиҳасидаги кўрсатувлардан ҳам файдаланиш ҳам ўзига хос манбаадир.Маълумки талантли ўзбек халқ достончилари ва йирик достончилик ижодий мактаблари кўпроқ ҳозирги Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, СурхондарЁ, Хоразм вилоятларида бўлганлигини,шунингдек Кўрғон, Булунғур,Хоразм, Шахрисабз,Шеробод каби достончилик ижодий мактабларининг мисолида айтиб ўтиш,улар Жумабулбул, Жассоқ шоир,Ёрлақаб шоир, Эргаш Жумабулбул ўғли,Пўлкан шоир,Ислом шоир, Фозил Йўлдош ўғли, ўғли,Султонмурод шоир,Абдулла шоир,Бола бахши Абдуллаев,Мадраҳим бахши каби машҳур халқ достончиларини тарбиялаб етиштирганликларини албатта ҳалқимиз яхши билади.Тарихий манбааларга таянадиган бўлсак,бу борада Наманган вилоятида достончилик традициялари ва достончилик ижодий мактаблари 50-60-йиллардан бошлаб доцент Т.Ғозибаев,олимларимиздан филология фанлари доктори,профессор М.Муродов,Чорток туманидаги:Пешқўрғонлик адабиёт ўқитувчилари У.Саримсоқов ва О.Холмирзаевлар томонидан ўрганилган.Улар томонидан достончилик ижодий мактаблари шаклланган.Шу ўринда дастлаб “Кўлбуқон” достончилиги мактаби борасида фикрлашсак.Бизнинг замонамиизда ҳам яшаб ижод этган Ҳайдар санновчи Бойчев,Алимқул бахши Ниёзов,Раззоқ бахши Қозоқбой ўғли каби халқ достончиларининг гувоҳликларига кўра,манкур достончилик мактабига

Самарқанд вилоятининг Миёнкал номи билан аталган жойдан Бегижон номи билан машхур бўлган халқ достончиси асос солган экан. Бегижон 19-асрнинг 70-80-йилларида ҳозирги Чорток туманинг Алихон қишлоғи билан Янгиқўрғон туманинг Бекабод қишлоғи ўртасида жойлашган Кўлбуқон қишлоғига келган ва шу жойда турғун бўлиб қолган. Сўнгра бу ерда достончиликка қизиқишилари бўлган ёшларни ўз атрофига тўплайди. Уларга достончиликнинг қадими тарихини ва ижро усулларини борасида сабоқ беради. Бегижон бахшининг устози булунғурлик Йўлдош шоир бўлган эди. Бегижон бахши тарбиясида 20 аср бошларида Чўтивой санновчи ва Сувон сонновчи каби машҳур халқимиз достончилари етишиб чиқкан. Кейинчалик Чўтивой санновчи устозлигига Ҳайдар санновчи ва Раззоқ шоир каби замонамизнинг халқ севган достончилани ҳам кўзга ташлана бошлади. Бу даврда “Алпомиш”, “Юсуф-Аҳмад”, “Рустамхон”, “Гўрӯғлининг туғилиши”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Авазхон”, “Замонбек” каби 20 дан зиёд бўлган халқ достонларини куйлаган ва ўнлаб халқ эртакларини айтган дотончилик мактаблари иштирокчилари бор эди. Яна бир достончилик мактабларидан бу “Сайрам” достончилик мактабидир. Ушбу достончилик мактабининг асосчиси ҳозирги Тўрақўрғон туманига қарашли бўлган Сайра қишлоғилик бўлган Умрзок бахши бўлган эди. Унинг Абдулвоҳид бахши яъни достончининг ўғли, Ёртепа қишлоғидан Анор бахши ва Иброҳим Отобоев каби шогирдлари бўлган. Умрзок бахши ва унинг шогирдлари “Алпомиш”, “Юсуф – Аҳмад”, “Гўрӯғли” каби достонларни ҳалқ орасида, турли хилдаги сайлларда, маросимларда куйлашганди. Яна бир навбатдаги достончилик мактабларидан бири бу “Ариқбўйи” достончилик мактаби ҳиссобланади. Бу достончилик мактабига Чуст туманинг Олмос қишлоқ Кенгашига қарашли Аирқмўйин қишлоғига яшаган Арслон бахши Муродов томонидан асос солинган эди. Унинг бир неча достончиликни ўрганганди шогирдлари бўлган. Унинг машхур бўлган шогирдларидан Матрайим бахши Болтабоев Косонсой туманинг Қорасув қишлоғига дехқон оиласида таваллуд топган. 17 ёшида Ариқмўйин қишлоғига бориб, у ерда Арслон бахши қўлида достончилик сирларини ўрганади. Матрайим боҳши томонидан “Алпомиш”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Гўрӯғлининг туғилиши”, “Авазхон” каби халқ достонларини Чуст ва Попдаги бўлиб ўтадиган кўплаб турли хилдаги маросимларда, танътаналарда, сайилларда доимо моҳирона ижро этиб келган. Бундан ташқари Матрайим бахши Тошкент ва Фарғона, Қўқон атрофидаги туманларда ҳам халқ баххиси номи билан ном қозониб келган, бахшичилик сир-асрорларини билган, шогирдлар чиқарган бахшиларимиздан бўлган. Наманган вилоятининг Норин, Учқўрғон ва қўшни Андижоннинг Балиқчи туманларида маҳаллий аҳоли ўртасида достончи сифатида танилган Учқўрғоннинг Қайқи қишлоғига таваллуд топган Ҳусан бахши Ражаб ўғли, Элатан қишлоғига таваллуд топган Усмон бахши Мамарқул ўғли каби бахшаларнинг Наманган вилояти достончилигининг таникли

номоёндалари ҳиссобланади. Элатан қишлоғи ахолисининг айтишича Усмон бахши достончи сифатида 1930-1940-йилларда шухрат қозонган бахшилардан бўлган экан. Катта Фарғона канали қурилишида яъни 1939-1941 йилларда канал қазувчиларга достончиларимиз томонидан ҳалқ достонлари куйлаб берилган ва ишларида маънавий ёрдам берилган. Бу куйланган достонларни ва термаларни Ўзбекистон Фанлар Академияси тил ва адабиёт институти ходимлари томонидан ёзиб олиган. Учқўрғонлик ўзбек тили адабиёти ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатган ҳалқ маорифи аълочиси марҳум Жўрамирза Отахановнинг аниқлашича, учқўрғон туманинг Катта Фарғона канали ўтган худудларида ҳалқ орасида “Алпомиш” достонини моҳирона ижроси билан шухрат қозонганлиги борасида турли ҳилдаги кўплаб архив хужжатлар, хотиралар, ёзма кўринишдаги манбаалар тақдим этилган экан. Достончиларимиздан бир груҳи “Ёзи билан Зебо” достонини куйлаганлар Наманган туманини Ёрқўрғон, Бекабод ва Бирлашган ҳамда Тошбулоқ каби қишлоқларда таниқли достончилари бўлганлар. Достончиларимиз орасида яна бир груҳ достончилар бўлганки, улар “Ошиқ Ғариф” достонини қиёмига етказиб куйлаганлар. Бундай достончилар орасида таниқлилари Косонсой тумани достончиларидан бири Тўланбой Ҳошимов алоҳида тахсинга сазовор бўлган. Инқилобдан сўнг Тўланбой ўй йил давомида тракторчи бўлиш билан бирга достончилик санъати давомчиси бўлади. Ҳаттоқи Улуғ Ватан Уруши йилларида ҳам Тўланбой достончини қўлидан дутори тушмаганини эслаб ўтилади. Маълумки такидлаб ўтганимиздек ҳалқ оғзаки ижоди таркибидаги “Ўларлар” ўзига яраша ўрин тутган. Ўлан-ҳалқ ижоди жанри бўлиб, қўшиқнинг бир тури ҳиссобланади. Қадимдан дехқонлар, чорвадор ҳалқлар орасида кенг тарқалган. Асосан аёллар, қисман эркаклар томонидан чилдирма яъни доира жўрлигида ижро этиб келинади. Ўланлар баъзан савол-жавобли қўшиқ тарзида, баъзан эса икки киши томонидан диолог шаклида ҳам ижро этиладиган турлари мавжуд. Ўланларни “Никоҳ тўйи” маросимларида қизлар бир томон, йигитлар бир томон бўлиб: “Қиз оши” маросимида жўр бўлиб айтилиб келган. Бундан ташқари “Чорлари”, “Чақирди”, “Бешик тўйи” маросимларида ҳам айтилган. Ўланлар туб маънода уни ижро этганда инсада ҳалқнинг орзу-умидлари, қайғу ва шодлик кайфиятлари намоён бўлади. Ўзбекистоннинг барча жавҳаларидаги каби Наманган вилоятининг барча қишлоқларида қадимий ўланлар, марсиялар, омонёрлар, келин саломлар, аллалар, эртаклар, масаллар, мақоллар, эртакларнинг қадимиylари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бунда миллий ҳалқ оғзаки бадиий ижодини яхши билган момоларимиз ва аёлларимизнинг ҳам ҳиссалари катта. Жумладан: Наманган туманидан: Жамолдинова Ҳабиба, Янгиқўрғон туманидан: Ҳайдарова Қурбоной, Муқимжанова Лолаҳон, Бадалова Кўпайсин ва Эгамова Саломат, Қодирова Саломат, Косонсой туманидан: Тўхтаназарова Ойбодом, Чустдан: Ҳалирова Ҳамробиби, Норин туманидан: Бадалова Кўпайсин, : Эргашива Патила,

Худойбердиева Ҳалима, Учқўргондан Ўтбосарава Қамбарой, Уйчи туманидан:Садриддина Мехринисо,Жўраева Ҳамробиби,Поп туманидан:Турдалиева Ҳосият, Чорток туманидан: Норзуллаева Ойимгул,Тўрақўргон туманидан:Мавлонова Шахрибону каби ҳалқимиз орасидаги лапарчиларнинг ҳозирги кунда ўнлаб шогирдлари Наманган ҳалқ оғзаки бадиий ижоди давомчилари ҳиссобланади. Достончиликка оид қўшиқлар, турли меҳнат қўшиқлари,қаҳрамонлик қўшиклари,мавсум қўшиқлари,маросим қўшиқлари,ишқий-лирик қўшиқлар, тарихий ва замонавий қўшиқларнинг барчасини заминида ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ҳалқ оғзаки ижодининг таъсири мавжуд.Келтириб ўтилган қўшиқлар бизгача етиб келган ва давом этаётганлиги бу ҳалқ оғзаки ижоди наъмуналарини келгуси авлодга етказиб бериш учун қилинаётган сайд-ҳаракатлардир доимо диққат эътиборимизда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.”Наманган ҳалқ оғзаки ижоди наъмуналари” –Наманган 1993-йил.
Тузувчилар:Т.Фозибоев ва Абдушукир Собиров,А.Собировлар.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси.
- 3.”Мозийдан садо”-илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.2022-2023й.
- 4.”Санъат”-Ўзбекистон Бадиий Академияси журнали.